

КУРАШДА ТАКТИК ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ЎРНИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тўраев Фарруҳ Ҳаким ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти

Жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси

farruxtorayev555@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада миллый кураш спорт турида тактик ва жисмоний тайёргарликнинг аҳамияти, уларни такомиллаштириш усуллари ҳамда турли ёшдаги спортчилар учун техник-тактик машғулотларни ташкил этиш масалалари ёритилган. Жисмоний ва психологик тайёргарликнинг моҳияти, курашдаги ўрни, спортчиларда рақобатбардошлиқ ва психологик барқарорликни шакллантиришдаги таъсири илмий ва услубий асосда таҳлил қилинган. Мақолада ёшга оид физиологик хусусиятлар инобатга олинган ҳолда машғулот жараёнларини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: кураш, жисмоний тайёргарлик, тактик машғулотлар, психологик барқарорлик, техник ҳаракатлар, ёшга оид хусусиятлар, спортчи тайёргарлиги, рақобатбардошлиқ.

РОЛЬ И НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТАКТИЧЕСКОЙ И ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ В БОРЬБЕ

Тураев Фарруҳ Ҳаким ўғли

Старший преподаватель цикла физической подготовки

Институт повышения квалификации МВД Республики Узбекистан

farruxtorayev555@gmail.com

Аннотация: В данной статье освещается значение тактической и физической подготовки в национальном виде спорта кураш, методы их совершенствования, а также вопросы организации технико-тактических тренировок для спортсменов разного возраста. На научно-методической основе проанализированы сущность физической и психологической подготовки, ее роль в борьбе, влияние на формирование конкурентоспособности и психологической устойчивости спортсменов. В статье даны рекомендации по эффективной организации тренировочных процессов с учетом возрастных физиологических особенностей.

Ключевые слова: борьба, физическая подготовка, тактические тренировки, психологическая устойчивость, технические действия, возрастные особенности, подготовка спортсмена, конкурентоспособность.

THE ROLE AND DIRECTIONS OF IMPROVING TACTICAL AND PHYSICAL TRAINING IN WRESTLING.

Turaev Farrukh Hakim ugli

Senior teacher of physical training cycle

Institute for Advanced Studies of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

farruxtorayev555@gmail.com

Abstract: This article covers the importance of tactical and physical training in the national sport of kurash, methods for their improvement, and issues of organizing technical-tactical training for athletes of different ages. The essence of physical and psychological training, its role in wrestling, and its influence on the formation of athletes' competitiveness and psychological stability were analyzed on a scientific and methodological basis. The article provides recommendations for the effective organization of training processes, taking into account age-related physiological characteristics.

Keywords: wrestling, physical training, tactical training, psychological stability, technical actions, age characteristics, athlete preparation, competitiveness.

КИРИШ

Кураш – миллий спорт тури сифатида нафақат жисмоний куч, балки ақлий зеҳн, тезкор қарор қабул қилиш ва тактик фикрлашни талаб қиласиган спорт тури ҳисобланади. Замонавий спортда муваффакиятли иштирок этиш учун ҳар бир курашчидаги жисмоний, техник, тактик ва психологик тайёргарликнинг мувозанатли ривожланган бўлиши зарур.

Жисмоний тайёргарлик курашчининг умумий фаоллиги, чидамлилиги, тезкорлиги ва ҳаракатларни аниқ бажариш қобилиягини белгиласа, тактик тайёргарлик рақиб ҳаракатларини олдиндан сезиш, унга жавоб қайташиб ва ўзига мос стратегияни тўғри қўллаш кўнимкаларини шакллантиради.

Олимпиада чемпиони Александр Карелин таъкидлашича “Савияли курашчи ўзининг жисмоний ҳолатини тўлиқ ҳозирлайди. У ҳар бир техника ва ҳаракатни содда ва осон қиласиган даражада келтира олади.” А.Карелин жисмоний тайёргарликнинг аҳамиятини нафақат курашчига қувват берishi,

балки ҳар бир ҳаракатда мукаммалликка эришишга ёрдам берини таъкидлайди.

Жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш кураш спортчилари учун муваффақият калити бўлиб хизмат қиласди. Машғулот жараёнида спортчининг асосий жисмоний сифатлари – статик ва динамик куч, тезлик, чидамлилик, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда эгилувчанликни ривожлантиришга эътибор қаратилади. Бунинг учун умумий ва маҳсус жисмоний машқлар комплекси қўлланилади. Масалан, оғирлик билан машқлар, тезкор югуришлар, сакраш машқлари, мушакларни чидамли қилишга қаратилган интервал машқлар курашчилар учун самарали ҳисобланади. Шунингдек, маҳсус кураш ҳаракатларини тақрорлаш орқали мушак хотираси ва ҳаракат автоматизми шакллантирилади.

Психологик тайёргарлик ҳам курашчи учун жуда муҳим. Таниқли спорт психологи Роберт Мейерс ўз қўлёзмаларида “Психологик тайёргарлик курашчи учун кураш вақтида ўзини ва юқори шиддатдаги вазиятларда кучли бўлишга ёрдам беради. Курашчи ўз ҳаяжон ва қобулиятларини бошқариш учун энг яхши варианти топиш керак.” - деб ёзади. У психологик тайёргарликнинг эмоционал назоратни сақлаш ва бошқаришдаги аҳамиятини таъкидлайди. Ўзига ишонч, рақобат муҳитида руҳий барқарорликни сақлаш, асабий ҳолатларга қарши туриш қобилияти спортчи муваффақиятига катта таъсир кўрсатади. Машғулотлар давомида медитация, автотренинг, мусиқа орқали руҳий бўшлаш, ўйинли симуляция машғулотлари каби усуллар қўлланиши мумкин. Яқинда ўтказилган тадқиқотларда кўрсатилишича, психологик тайёргарлиги юқори бўлган курашчилар мусобақада хато қилиш эҳтимоли камроқ бўлади ва вазиятни тўғри баҳолай олади.

Тактик тайёргарлик машғулотлари спортчининг рақиб ҳаракатларини таҳлил қилиш, ўз ҳаракатларини мослаштириш ва жангда устунликка эришиш стратегиясини ишлаб чиқишига қаратилган. Курасда тактик ҳаракатлар нафақат техник жиҳатдан устун бўлиш, балки вақтни тўғри тақсимлаш, рақибни чарчатиш, камчиликларини фойдаланиш каби жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Машғулотларда шогирдларга турли вазият моделлари орқали ҳаракат қилиш, рақибнинг услубини таниш ва унга жавоб стратегияларини ишлаб чиқиш ўргатилади.

Ёшга оид хусусиятлар машғулот жараёнини ташкил этишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, 10–12 ёшли ёш курашчиларда асосан умумий жисмоний тайёргарлик ва техник ҳаракатларнинг элементларига асосланган машғулотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бу даврда уларда ҳаракатларнинг аниқлиги ва мувофиқлашуви ривожланади. 13–15 ёшдаги ўсмирларда эса мураккаброқ техник ҳаракатлар, партердаги кураш, ҳужум ва

химоя комбинацияларига ўтиш мумкин. 16–18 ёшли спортчилар учун эса жисмоний юклама ва тактик тайёргарлик даражаси оширилиб, махсус симуляция машғулотлар, жуфтликда ишлаш, рақобат мұхитидә ҳаракат қилиш каби машқлар амалга оширилади.

Курашчиларнинг жисмоний сифатларини такомиллаштиришда даврийлик ва мунтазамлик мұхим ҳисобланади. Машғулотлар түғри режалаштирилган бўлса, организмда юкламага мослашиш, функционал қўрсаткичларнинг яхшиланиши ва техник ҳаракатларнинг самарадорлиги ортиб боради. Машғулот жараёнида жисмоний тайёргарлик ва техник тайёргарлик бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши талаб этилади.

Масалан, юклама остида техник ҳаракатларни бажариш, чарчоқ ҳолатида түғри қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиради.

ХУЛОСА

Курашда тактик ва жисмоний тайёргарлик спортчининг умумий муваффақиятини белгилайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Жисмоний сифатлар ва психологик барқарорлик юқори бўлган курашчи рақобат мұхитидә ўзини эркин ҳис қиласи, рақиб устидан устунликка эришади ва техник ҳаракатларни аниқ ҳамда самарали бажаради. Турли ёшдаги курашчилар учун машғулот жараёнини түғри ташкил этиш, уларнинг физиологик ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, машғулотларда инновациян ёндашувлардан фойдаланиш кураш спортини янада ривожлантириш ва юқори натижаларга эришишда мұхим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Хамидов Ш. Курашда жисмоний ва тактик тайёргарлик асослари. Тошкент, 2020.
2. Курбонов А. Миллий курашда ёш спортчиларни тайёрлаш методикаси. Тошкент, 2021.
3. Назаров Ш. Жисмоний ва психологик тайёргарликнинг спортдаги роли. Тошкент, 2019.
4. Исмоилов Б. Техник ва тактик машғулотлар тизими. Самарқанд, 2022.
5. Matsumoto D. Psychology and Martial Arts. New York, Oxford University Press, 2018.